

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДАГИ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 23 январь куни пахта етиштиришни кўллаб-қувватлаш масалалари бўйича йиғилиш ўтказди.

Бугунги кунгача пахта-тўқимачилик кластерлари томонидан соҳага 5 миллиард 300 миллион доллар инвестиция киритилган, уларга 3 миллиард доллар имтиёзли кредитлар ажратилган. Кластерлар томонидан 4 миллиард долларлик 265 та лойиҳа ишга туширилиб, 300 мингта янги иш ўрни яратилган. Натижада пахта ҳосилдорлиги 30 фоизга ошиб, 26 центнердан 34 центнерга етди.

Лекин жойларда кластер ва фермерларни қийнаётган муаммолар ҳам бор. Жумладан, қўшилган қиймат солиғини ўз вақтида тўламаганлиги сабабли фермер хўжалиқларида пеня қарздорлиги вужудга келган.

7 мингта фермер пахта майдонларини насослар орқали сугоришга мажбур бўлаётир. Фючерс шартномалари тузишнинг охириги муддати белгиланмаган, шартномаларни рўйхатга олиш бўйича шаффоф тизим йўқ.

Йиғилишда соҳадаги шу каби муаммолар муҳокама қилиниб, зарур чоралар белгиланди.

Хусусан, пахта майдонларини насос билан сугориш учун кетган электр энергияси харажатларининг 50 фоизи қоплаб берилиши қайд этилди.

Ўтган йили ички бозорда минерал ўғит нархи ўртача 50 фоизга ошиб, танқислик юзага келган эди. Шу боис минерал ўғитларга божхона имтиёзларини яна 3 йилга узайтириш таклифи билдирилди.

Мутасаддиларга кластер ва фермерлар ўртасидаги шартномаларни тартибга солиш ҳамда ҳисоб-китобларни жойига қўйиш, пахта ва галла етиштиришни мувофиқлаштириб бориш бўйича кўрсатмалар берилди. Қўшилган қиймат солиғини ўз вақтида тўламаганлик учун фермер хўжалиқларига ҳисобланган пенялар, истисно тарқасида, ҳисобдан чиқарилиши белгиланди.

Фючерс шартномаларини солиқ органларининг электрон ахборот тизимида рўйхатдан ўтқа-

КЎП ҚИРРАЛИ ВА МАНФААТЛИ АЛОҚАЛАР ЖАДАЛ РИВОЖЛАНМОҚДА

Шу йилнинг 24 январь куни Тошкентда Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти (ИХТ) Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтади.

Ўзбекистон 1992 йил 28 ноябрь куни ИХТга аъзо бўлган. Мамлакатимиз мазкур халқаро тузилма доирасидаги шериклар билан самарали ҳамкорлик қилмоқда. Савдо-иқтисодий ва сармоявий алоқаларни кенгайтириш, жаҳон бозорида рақобатбардошликни ошириш, хорижий шериклар билан саноат кооперациясини чуқурлаштириш, минтақада транспорт йўлакларини ривожлантириш, улардан самарали фойдаланиш ва янгиларини яратиш Ўзбекистон ва хорижий шериклар ўртасидаги халқаро ҳамкорлиқнинг энг муҳим йўналишларидандир.

Биз ва жаҳон

Шу нуктаи назардан, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотида иштирок этиш мамлакатимиз манфаатларига тўлиқ жавоб беради.

Минтақавий давлатлараро ташкилот ҳисобланадиган ИХТга 1985 йилда Техрон (Эрон) шаҳрида асос солинган. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва Ислом ҳамкорлик ташкилотидан кузатувчи мақомига эга.

Ташкилотнинг мақсади савдо ва транспорт коммуникациялари соҳасида минтақавий алоқаларни ривожлантиришдан иборат. Бугунги кунда ИХТга ўн та давлат — Озарбайжон, Афғонистон, Эрон, Қозоғистон, Қирғизистон, Покистон, Тожикистон, Туркменистон, Туркия ва Ўзбекистон аъзо.

ИХТ фаолиятининг устувор йўналишлари аъзо мамлакатлар давлат раҳбарларининг ҳар икки йилда бир марта ўтказиладиган саммитларида белгиланади. Ўтган давр мобайнида Ўзбекистон ИХТ саммитларида, жумладан, етти марта давлат раҳбарлари даражасида мунтазам иштирок этди. Мамлакатимиз расмий делегациялари ИХТга



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ САВДО-САНОАТ ПАЛАТАСИ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Аҳолини тадбиркорликка жалб қилишни янада жаддаллаштириш, тадбиркорлик ташаббусини амалга ошириш учун қулай ҳуқуқий, иқтисодий ва ижтимоий шарт-шароитларни таъминлаш, республикада тадбиркорлик субъектларининг халқаро ишбилармонлик ҳамжамиятга интеграциялашувини кенгайтириш борасидаги Савдо-саноат палатаси фаолиятини такомиллаштириш мақсадида:

1. Савдо-саноат палатасига (кейинги ўринларда — Палата) қуйидаги ваколатлар берилсин:

Хукуматта ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини яхшилаш, бизнеснинг ривожланишига тўққинлик қилаётган ёки уни чеклаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, уларни бекор қилиш тўғрисидаги қўриб чиқишни мажбурий бўлган масалаларни киритиш;

Палата аъзоларининг манфаатларини кўзлаб Олий судга ариза бериш ҳамда иқтисодий, маъмурий, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича суд қарорларини қайта қўриб чиқиш юзасидан шикоят киритиш;

тадбиркорлик муҳитини яхшилаш бўйича таклифларни тўғридан-тўғри Бош вазирга киритиб бориш;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар ва идораларда, шунингдек, халқаро ташкилотларда тадбиркорлик субъектлари манфаатларини йодолаш;

бизнес муҳитини яхшилаш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш мақсадида, тадбиркорлик масалалари борасида жамоатчилик эшитувларини ташкил қилиб бориш;

тадбиркорлиқни ривожлантириш, республиканинг ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини оширишда ўзининг муносиб ҳиссасини кўшайтган бизнес вакиллари ва бошқа шахсларни муқофотларга тавсия қилиш;

маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқа ҳудудий давлат органларига ҳудудда тадбиркорликни ривожлантириш, ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини янада яхшилаш, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан қўриб чиқилиши мажбурий бўлган тақдимномалар киритиш;

халқ депутатлари вилоят, туман (шаҳар) Кенгашлари ва ҳокимлар билан ҳудуддаги ишбилармонлик муҳитининг ҳолати, тадбиркорлик соҳасида қабул қилинган қонунчилик ҳужжатларининг ижроси натижадорлиги бўйича танқидий муҳокамалар ўтказиб бориш.

Муносабат

ОДИЛ СУДЛОВ ВА ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ

Мамлакатимизда сўнгги йилларда одил судловни таъминлаш ҳамда қонунийликни мустаҳкамлаш йўлида кенг қамровли ислохотлар амалга оширилди. Хусусан, Президентимизнинг ўндан ортиқ Фармон ва қарорлари қабул қилинди. Шуларга мос ҳолда одил судлов сифати ва самарадорлигини оширишга қаратилган унча кодекс ҳамда “Судлар тўғрисида”ги Қонун янги таҳрирда ишлаб чиқилди, шунингдек, қатор қонунларга тегшли ўзгариш ва қўшимчалар киритилди.


Шу билан бирга, суд-ҳуқуқ соҳасида бажарилиши лозим бўлган устувор вазифалар 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида ўз ифодасини топди.

Муҳими, бу йўналиш доимий равишда давлатимиз раҳбарининг эътибори марказида бўлиб келмоқда. Буни Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига йўлланган Мурожаатнома мисолида ҳам кўриш мумкин.

Президентимизнинг яқинда эълон қилинган “Одил судловга эришиш имкониятларини янада кенгайтириш ва судлар фаолияти самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ҳамда “Одил судлов фаолиятини амалга оширишни самарали ташкил этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонла-

ри одил судловни таъминлаш билан боғлиқ янги долзарб вазифаларни белгиллаб берганлиги билан алоҳида эътиборга молик.

Маълумки, охириги йилларда прокуратура органлари томонидан турли жабҳаларда қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга қаратилган ижобий ишлар амалга оширилиб, луғатимизда “халқ прокуратураси” деган ибора пайдо бўлди. Аммо, айтиш жоизки, шу сингари саъй-ҳаракатларга қарамадан охириги вақтларда одил судловни таъминлашда прокурор иштирокига етарли эътибор қаратилмагани боис ушбу йўналишда айрим камчиликлар юзага келаётган эди.




Бизнинг суҳбат

«ҲИСОБ-КИТОБ ИШЛАРИДА ШОШИШ ЯРАМАЙДИ»

Дунёда кечаётган мураккаб иқтисодий ва сиёсий жараёнлар, пандемия оқибатлари туфайли юзага келган инқирозлар ҳамда халқаро майдондаги зиддиятларга қарамадан мамлакатимизда кенг қўламли ва самарали ислохотлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистондаги ижобий ўсиш суъратлари, ташқи иқтисодий алоқаларда миллий иқтисодиётимизга тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар кириб келишининг ҳамда экспорт ҳажми ошганлиги синобли йилда Президентимиз ташаббуслари ҳамда Фармон ва қарорлари ўз вақтида қабул қилинганлигини исботлаб турибди.

Муҳабиримиз эришилган натижаларда ислохотларнинг қонуний асосларини такомиллаштириш борасида олиб борилган ишлар, шунингдек, истиқболдаги вазифалар юзасидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси раиси Шарофиддин НАЗАРОВ билан суҳбатлашди.



Эксклюзив интервью

Хусрав НОЗИРИЙ: ИХТ ЎЗБЕКИСТОН РАИСЛИГИДА МИНТАҚАВИЙ ЎЗАРО БОҒЛИҚЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ БОРАСИДА СЕЗИЛАРЛИ НАТИЖАЛАРГА ЭРИШДИ



— **Муҳтарам Нозирий жаноблари, Ўзбекистоннинг Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотидagi раислиги ниҳоясига етмоқда. Сиз унинг яқунларини қандай баҳолайсиз?**

— Ўзбекистон ИХТга аъзо бўлган жуда муҳим давлатдир. Ташкилот Ўзбекистоннинг 2022 йилдаги раислиги даврида ИХТни янада ривожлантириш ва минтақадаги ўзаро тараққиёт ҳамда фаровонлик кун тартибидagi асосий ролини ва мукамал раҳбарлигини юқори баҳолайди.

Ўзбекистоннинг ИХТдаги ўсувчанлик роли, айниқса, биргаликда минтақавий ривожланиш жараёнини илгари суриш учун

Ўзбекистон 2022 йилда биринчи мартаба Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти (ИХТ)га раислик қилди. 1985 йил Туркия, Эрон ва Покистон иштирокида ташкил этилган мазкур халқаро тузилмага мамлакатимиз 1992 йилда аъзо бўлган. Худди шу йили ташкилотга Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон, Озарбайжон ва Афғонистон ҳам қўшилган. ИХТнинг тузилишидан кўзланган мақсад минтақа мамлакатлари ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлашга қўмаклашишдан иборат.

“Дунё” АА муҳбири ИХТ бош котиби Хусрав НОЗИРИЙ билан мазкур ташкилотнинг устувор вазифалари, Ўзбекистоннинг ИХТ фаолиятидаги ўрни ва ҳиссаси, шунингдек, мамлакатимизнинг ушбу тузилмага илк раислигининг яқунлари ҳақида суҳбатлашди.

мамлакатнинг раислиги даврида муҳим аҳамият касб этди. Ўзбекистоннинг Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти фаолиятидаги роли ортиб бораётганини, бу ташкилотнинг ўсиши ва ривожланишига жуда катта ҳисса қўшаётганини қайд этишдан мамнунимиз.

Президент Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийлари ўз вақтида 2022 йилни Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти минтақасида “Ўзаро боғлиқликни мустаҳкамлаш йили” деб эълон қилди. Шу нуктаи назардан, ИХТ Ўзбекистон раислигида минтақавий ўзаро боғлиқликни мустаҳкамлаш борасида сезиларли натижаларга эришди. Уларнинг айримларини қуйидаги тартибда санаб ўтиш мумкин:

- 2022 йил февраль ойида ИХТнинг транспорт бўйича 11-вазирлар учрашуви ташкил этилиши;
- Исломобод — Техрон — Истанбул (ИТИ) йўлагини тўла ишга тушириш ва тартибга солиш;
- Исломобод — Техрон — Истанбул поезд хизмати тартибга солиш;
- Географик ахборот тизими (ГИТ) лойиҳасини жорий қилиш;
- Халқаро автомобил ташуви Кафолат бирлашмаси Маслаҳат гуруҳининг (ЕСО-TIRACG) яратилиши;
- Қозоғистон — Туркменистон — Эрон йўлаги учун йўлакни бошқариш механизмининг яратилиши;

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ҲУЖЖАТ ЛОЙИҲАЛАРИ ЮЗАСИДАН ФРАКЦИЯЛАРНИНГ ПОЗИЦИЯСИ ҚАНДАЙ?

Сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияларининг йиғилишлари бўлиб ўтди. Уларда депутатлар қўриб чиқилган қонун лойиҳалари юзасидан ўз таклифларини илгари сурган ҳолда қатъий эътирозларини ҳам билдиришди. Албатта, баҳс-мунозара, тортишувлар пишиқ-пухта қонунларни қабул қилишда муҳим ўрин тутди.

Тадбиркорлик субъектларининг мулк ҳуқуқи дахлсизлиги таъминланади

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси аъзолари “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига тадбиркорларнинг банк

(Давоми 2-бетда).



ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА ТАЪЛИМНИ ЮКСАЛТИРИШ

Ўқитувчиларга муносабатда яққол намоён бўлмоқда

Инсонга эътибор — бутун халққа, жамиятга, мамлакатга эътибор демак. Инсонларнинг дарду ташвишларини ўйлаб яшаш одампийликнинг энг олий мезони. Давлатимиз раҳбари томонидан президентлик фаолиятининг илк давридан бошлаб худди шу шiori остида амалга оширилаётган ишлар бугун янги босқичда давом этмоқда. Юртбошимизнинг Олий Мажлис ва халқимизга Мурожаатномасини тинлаган киши борки, буни янада теран англайди.

2023 йил “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили” деб эълон қилинганда кўпчилик зиёللilar руҳланди. Зеро, йилнинг номланишида улуг ният — юртдошларимизнинг бугуни ва эртани фаровон ҳаётга дахлдор мақсадлар акс этган. Давлатнинг ҳам, жамиятнинг ҳам

тараққиёти инсон омилига боғлиқ экан, унинг савиясини, билим ва салоҳиятини юксалтириш энг долзарб масалага айланади.

Президентимиз юртимиз бўйлаб қайси корхона ёки ташкилотда бўлмасин, мутасаддилар билан учрашмасин, албатта, учта сўзни тақорлашиш ва талаб этиши бежиз эмас. Булар — сифат, самара ва натижадорлик. Ҳар бир қилинган ҳаракатнинг натижаси, самараси сифатга боғлиқлиги аён. Мана шу сифатни эса яхши таълим олган етук кадрлар таъминлайди. Демак, Президентимиз маърифатпарвар жадид боболаримизнинг сўзлари билан эътироф этгани каби “Нажот — таълимда, нажот — тарбияда, нажот — билимда. Чунки барча эзгу мақсадларга билим ва тарбия туфайли эришилади”.



Аксел МУҲАММАДОВ олган сурат.

Нуктаи назар



